


"ТАСДИКЛАЙМАН"

Навоний вилояти ҳавондошлар
мактуби директори

И.Азизов



2022 йил

Сотувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Навоний -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Навоий вилояти чавондозлар мактаби учун Мебил жихозлари етказиб бериш.

Танловнинг юкори қиймати – 102 000 000 (**Бир юз икки миллион**) сўм . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун ичида.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Навоий вилояти чавондозлар мактаби** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Навоий вилояти, Навоий шаҳар, Спутник курғони.

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Навоий вилояти чавондозлар мактаби** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:-

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.


7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб

эриши шарт. Танлов ҳужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-
дохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



Навоий вилояти чавондозлар мактаби учун Мебил жихозлари етказиб бериш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИК


Т/р	Асосий маълумот	Бажарувчи
1.	Объект номи:	Навоий вилояти чавондозлар мактаби
2.	Буюртмачи	Навоий вилояти чавондозлар мактаби
3.	Буюртмачи учун асос	Навоий вилояти чавондозлар мактабига Мебил жихозларини етказиб бериш , зарурий талабларга кура
4.	Объектнинг жойлашган манзили	Навоий шаҳар Спутник курғони
5.	Қатнашувчи учун талаблар	Навоий вилояти чавондозлар мактабига Мебил жихозларини етказиб бериш , зарурий талабларга кура
6.	Тижорат таклифини тақдим этиш шартлари	<p>1.Танловда қанашувчи корхона гувоҳномаси ва устави,Бухгалтирия баланс 1-шакл,Молиявий натижа 2-шакл тасдиқланган ҳолда</p> <p>2.Коррупцияга қарши талаблар.684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт.Кафолат хати</p> <p>3.Танловда иштирок этувчи фирма танловга қўйилган тавор сертификати Махсулотга расмий ишлаб чиқарувчининг сертификати мавжудлиги</p> <p>4.Танловда қатнашувчи корхонани 1 (бир) йиллик банкнинг айланма маблағлар тўғрисида маълумотномаси тасдиқланган ҳолда</p> <p>5.Талабгорнинг танловга куйилган махсулотларни омборида мавжудлиги тўғрисида кафолат хати тасдиқланган ҳолда.</p> <p>6.Махсулотга бериладиган кафолат муддати тасдиқланган ҳолда кафолат хати.Ишларни бажариш муддатини кискартириши ишнинг сифатида акс этмаслиги лозим.</p> <p>7.Танловда иштирок этадиган корхонанинг солиқ ва бошқа давлат идоралардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумот</p>

7.	Бажарилган ишларни ҳисоб-китоби	Олдиндан 30% ва ишлар бажарилган кейин тақдим этилган счёт фактурага асосан 70% тўлов
8.	Ишни бажариш муддати	2022 йил 31 декабргача
9.	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишларни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига ва нормаларига роия этиш шарт.
10.	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари ҳисобидан
11.	Шартнома тили:	Ўзбек тили.

Ўтказиб бериладиган товарлар рўйхати

№	Махсулот номи	Ўлчови	Сони	Нархи	минг.сумда
					Суммаси
1	Офисни мебел-(“Г” образний стол размери 180х90х76 см, тумба 76х60х60 см, журнални стол размери 76х110х65 см. Шкаф 200х45х200 см. МДФ ва ЛДСПдан ясалган, Кресло 78х50х50 см. Ранги мижоз талабига кура).	комп.	2	12 000,0	24 000,0
2	Парта-метал карказли, профил 1.2 стенкали. Размери 120х60х76 см. Ранги мижоз талабига кура.	дона	40	895,0	35 800,0
3	Стул-метал карказли ярим- юмшоқ. Размери 40х44х73 см.	дона	80	200	16 000,0
4	Шкаф-(полкали шкаф эшиклари иккитаси ойнали иккитаси лдсп. Размери 200х180х45см.	дона	2	3 000	6 000,0
5	Шкаф -(кийим ва китоб жавонли шкаф эшиклари иккитаси ойнали иккитаси лдсп. Размери 200х180х45см.	дона	1	3 000	3 000,0
6	Мажлислар столи-Размери 270х130х76см. Сифатли акрил ва ЛДСПдан ясалган	дона	1	10 000	10 000,0
7	Ярим юмшоқ ёғоч карказли стул- размери 76х50х50 см	дона	12	600	7 200,0
Жами суммаси					102 000,0

Мақтаб директори:



И.Азизов